

Куръони Карим энг улуг мўъжиза, айни чокда, унинг инсон калбида бўлиши улуг илохий неъмат хамдир. Хабибимиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Куръони Каримни ўрганган ва ўргатганларингиз сизларнинг яхшиларингиздир».

Куръони Карим хар ояти, хар калима ва харфининг бир хикмати, бир сири бор. Мўминлар Куръони Каримни тиловат килиш (ёки эшитиш) билан, маъносини билса-билмаса, Аллох таолога курбат хосил килади. Чунки уни ўқиш ва эшитиш ибодатдир.

Азиз биродарим, сиз ёшингиз ўтиб колганидан афсус чекманг. Чунки инсон хотирасининг қариллик билан боғлиқлиги ўта нисбийдир. Хотира пасайшининг қариллик билан боғлиқлик даражаси жуда кам. Унинг пасайишига биз ўзимиз сабабчи бўламиз. Қарилликда биз жисмонан заифлашиб, миямизни кам ишлатамиз. Бу эса мия ялқовлигига, паришонхотирликка ва ниҳоят хотира пасайишига олиб келади. Холбуки, мияни, хотирани ишлатишга ортикча куч талаб қилинмайди.

Хотирангизни фаол ишлатинг, уни оксил моддалар танқислигидан асранг, шундагина унинг имкониятларини сақлаб қоласиз.

Хотирангизни яхшилаш учун ўзингиз илгари яхши билган сура, оят, маълумотлар билан бош миянгни, унинг хотира хазинасини тез-тез «қитиклаб» туринг. Бу нарса хотира сўниб боришининг олдини олади.

Ёд олиш учун танлаган оят, сураларни ёдлаш муддатини белгилаб, мақсад қилиб қўйинг. Уни набираларингиз билан биргаликда ёдласангиз, бир йўла иккита мақсадга эришасиз. Улар икки-уч кунда ёд олсалар, сиз ҳафтада ўзлаштирасиз.

Паришонхотирликка Ислом ман этган нарсаларнинг истеъмоли ҳам боис эканини унутманг! Олимлар кузатишича, бир кунлик чекиш ўқиш қобилиятини 4,42, кузатувчанликни 7,09, ҳаракат тезлигини 1,02, ёдлаш қобилиятини 5,55 фоизга сусайтирар экан.

Имом Газзолий битганидек, «Куръон бир нурдир. Хато қилишдан нажот ва қутулиш фақат у билан мумкиндир, қалбларни бузувчи қасалликларга шифо ундадир».

Турсунхўжа ХИДОЯТХЎЖАЕВ